

“ТУРКИСТОН-АМЕРИКА  
УЮШМАСИ” ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН  
УЧРАШУВ

## ⚡ “Туркистон-Америка Уюшмаси” президенти билан учрашув

✓ 2023 йил 1 май куни Ўзбекистон халқаро ислом академиясида Америка Қўшма Штатларидаги “Туркистон-Америка Уюшмаси” президенти Абдулла Хўжа билан учрашув ташкил этилди.

✓ Учрашувда Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Д.Махсудов меҳмонга сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, диний-маърифий соҳадаги янгиликлар ва ўзгаришлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

📍 Ўз навбатида, А.Хўжа Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашни ҳамда сўнгги йилларда Ўзбекистон дунё хамжамиятига очилганини эътироф этди.

◆ Сухбат давомида, А.Хўжа диний бағрикенглик ва ушбу йўналишдаги фаолият самарадорлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

● Учрашув самимий ва дўстона руҳда ўтди.

Дин ишлари бўйича қўмита  
Ахборот хизмати

